



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 9 » avgust

№ ПҚ-348

### Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида

Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан янги форматдаги “Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун” мавзусидаги “очик мулоқоти” доирасида белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида:

**1. Қўйидагилар қон билан ишлаш хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:**

аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, қон донорларига сифатли хизмат кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

қон билан ишлаш хизмати муассасаларини юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, донорлар қони таркибида гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини текширишда замонавий иммунофермент текширувлари билан бир қаторда ПЗР-текширувларини амалиётга татбиқ этиш;

илғор хорижий тажриба асосида клиник ва ишлаб чиқариш трансфузиологияси йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳа ходимларини нуфузли хорижий тиббиёт муассасалари ва марказларида малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш;

трансфузиология йўналишида юқори технологияларга асосланган фундаментал, инновацион ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш;

қон билан ишлаш хизмати муассасаларининг сарф воситаларига бўлган эҳтиёжини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли орасида қон донорлиги аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, беғараз донорликни ривожлантириш бўйича волонтёрлик ҳаракатини оммалаштириш, сайёр донорлик кўламини кенгайтириш.

## 2. Қўйидагилар:

Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини **ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ**;

2022–2025 йилларда қон билан ишлаш хизмати муассасаларини **жиҳозлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ**;

Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ** тасдиқлансан.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

### а) 2026 йил 1 январга қадар:

йиллик донациялар сонини **350 мингтага**, ҳар минг аҳолига донациялар кўрсаткичини **10 тага**, қон тайёрлашда мобил сайёр групхлар улушкини **50 фоизга** етказиш;

қон билан ишлаш хизмати муассасалари томонидан бир йилда ишлаб чиқариладиган қон ҳажмини **150 минг** литрга, эритроцитлар массасини – **75 минг** литрга, плазма ҳажмини – **60 минг** литрга, альбумин ҳажмини – **1 000 литрга**, иммуноглобулин ҳажмини – **2 минг** дозага етказиш чораларини кўрсин;

б) 2024 йил 1 январга қадар қон билан ишлаш хизмати муассасаларида донорлар қонида **гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини икки босқичли текшириш (ИФА/ПЗР)** амалиётини йўлга қўйсин;

в) 2022–2024 йиллар давомида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини **15 та** цитаферез аппарати, **15 та** қонни қайта ишлаш учун рефрижераторли центрифуга, **7 та** тезкор контактли музлаткич, **15 та** тўлиқ автомат иммунофермент (ИФА/ИХЛА) анализатори, **14 та** ПЗР анализатори ва **13 та** кўчма донорлик комплекси билан жиҳозласин;

г) етарли ҳажмда қон компонентлари захирасини яратиш мақсадида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини **зарур миқдордаги гемоконтейнерлар билан таъминласин** ва уларнинг марказлашган харидини ташкил қилсин. Бунда, 2023 йилда жами харид қилинган гемоконтейнерларнинг 50 фоизини, 2024 йилда – 75 фоизини ва 2025 йилда – 100 фоизини лейкофильтрли гемоконтейнерлар ташкил этишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, қон билан ишлаш хизмати муассасаларини жиҳозлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида ажратиладиган маблағлар доирасида, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

#### **4. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:**

а) “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” қўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга бирйўла бериладиган пул мукофоти суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан **ўн беш бараваригача** оширилади;

б) “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” қўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

**улар учун қулай бўлган вақтда йиллик асосий меҳнат таътилига чиқиши;**

шаҳар жамоат транспортининг барча турларидан (йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш;

давлат санаторий-курортларида даволаниш учун **йўлланмаларни навбатсиз олиш;**

в) доимий (йилига камида 3 марта қон топширувчи) донорлар ва уларнинг яқин қариндошлари (ота-оналари, турмуш ўртоғи, фарзандлари, aka-ука ва опа-сингиллари, турмуш ўртоғининг ота-оналари) стационар даволаниш жараёнида, зарурат туғилганда, қон ва унинг таркибий қисмлари билан бепул таъминланади;

г) донорларни бепул овқат билан таъминлаш бўйича харажатларнинг қиймати республика бўйича бир хил – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **3 фоизи миқдорида** белгиланади;

д) иммун донорларга ўтказилган иммунизация ва топширилган плазмаси учун ҳақ тўлаш миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг оширилиши даражаси доирасида **мутаносиб равишда индексация қилиб борилади**;

е) шошилинч ҳолатларда донор қонининг таркибий қисмларини ташиб учун тез **тиббий ёрдам хизматидан фойдаланишга** рухсат берилади.

**5. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси “Қон донорлиги ҳафталиги” этиб эълон қилинсин.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) бошқа вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **“Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида**:

аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини тарғиб этувчи видеороликларни, қон донорлиги муаммоларига бағишлиланган ижтимоий реклама маҳсулотларини тайёрласин ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида, электрон ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин, ушбу жараёнга таниқли инсонлар, спорт усталари, санъаткорлар, дин вакиллари, блогерлар ва маҳалла нуронийларини жалб қилсин;

қон донорлигини ривожлантиришга бағишлиланган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этсин;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида, электрон ва оммавий ахборот воситаларида қон донорлигининг аҳамияти тўғрисида мақолалар чоп этсин. Бунда, қон донорлиги жамиятда инсонпарварлик, ватанпарварлик, сезгирилик каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини ёритишига алоҳида эътибор қаратсин;

ёшлар учун “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонига сазовор бўлган, шу жумладан кўп йиллар давомида беғараз қон донорлари бўлиб келаётган шахслар иштирокида учрашувлар ва давра суҳбатларини ташкил этсин;

вазирлик ва идоралар, ҳарбий қисмлар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида беғараз донорлик акцияларини ташкил этсин ва ушбу ишларни амалга ошириш учун сайёр донорлик гурухлари фаолиятини йўлга қўйсин;

қон топширган донорларни махсус белгилар туширилган футболкалар, бош кийимлар, канцелярия буюмлари, театр, концерттомушалар, кафе ва ресторанларга совға карталари, спорт муассасаларига бепул абонементлар ҳамда бошқа совринлар билан тақдирлаш чораларини кўрсин;

беғараз қон донорлиги шиори остида хайрия марафонлари ва фестивалларни ўтказсин.

#### **6. Республика қон қўйиш маркази (А.Сайдов):**

қон билан ишлаш хизмати муассасалари ходимлари учун – “**Ишлаб чиқариш трансфузиологияси**” мутахассислиги бўйича, даволаш муассасаларининг гемотрансфузия амалиёти билан шуғулланувчи ходимлари учун – “**Клиник трансфузиология ва изосерология асослари**” мутахассислиги бўйича малака ошириш курсларини ташкил қилсин;

**2022 йил 1 сентябрга** қадар малака ошириш курсларини ташкил этиш учун малакали, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилсин ҳамда ўқув хоналарини замонавий адабиётлар, лаборатория жиҳозлари, компьютер технологиялари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозласин;

**2022 йил якунига** қадар “Ишлаб чиқариш трансфузиологияси” мутахассислиги бўйича – **60 нафар**, “Клиник трансфузиология ва изосерология асослари” мутахассислиги бўйича – **60 нафар** қон қўйиш хизмати ходимларини ўқитсин;

малака ошириш курсларида қон қўйиш хизмати ходимларини мутахассислигига оид кўнікмалар билан бирга, шахсларо муносабат ва донорлар билан ишлаш маданияти кўнікмаларига ўқитишни ташкил қилсин.

**7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Тошкент ва Сирдарё вилояти ҳокимларининг 2023 йил 1 декабрга қадар:**

Нукус шаҳар қон қўйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлимлари учун қўшимча бино қуриш;

Тошкент ва Сирдарё вилоятларида қон қўйиш станцияларининг янги биноларини қуриш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари Нұкус шаҳар қон қўйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлими учун қўшимча бино, шунингдек, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида қон қўйиш станцияларининг янги биноларини қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

**8.** Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев), Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Ғ.Мирзаев) ва Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров):

**икки ой муддатда** қон қўйиш станцияларини қуриш учун бўш турган ва захирага олинган ерларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигига белгиланган тартибда ажратсин;

қон қўйиш станциялари қурилишини лойиҳалаштириш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни ажратсин.

**9.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Кудратов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргалиқда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсинг.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсан.

**11.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда:

**2023 йил 1 октябрга** қадар аҳоли орасида донорлик ҳаракатини ривожлантириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги масъулиятини кучайтириш ҳамда донорларни рағбатлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

**12.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 9 августдаги ПҚ-348-сон қарорига  
1-илова

**Республикада қон билан ишлаш хизмати мұассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш  
ва аҳоли орасыда беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш  
дастури**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбай	Масъул ижрочилар	
<b>I. Қон билан ишлаш хизмати соңасидаги норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш</b>							
1.	Қон билан ишлаш хизматининг янгиланган штат меъёрларини тасдиқлаш.	1. Штат меъёрлари лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишли гурӯҳ тузиш. 2. Қон билан ишлаш хизмати мутахассисларини жалб этган ҳолда штат меъёрлари лойиҳасини тайёрлаш. 3. Штат меъёрлари лойиҳасини манбаатдор вазирлик ва идораларга ўрганиш ва таклифлар киритиш учун тақдим этиш. 4. Қон билан ишлаш хизматининг янгиланган штат меъёрларини тасдиқлаш. Бунда: қон билан ишлаш хизматларини қон тайёрлаш қувватига қараб тоифалаш; мавжуд штат бирликлари доирасида навбатчилик пости, қўшимча врач ва лаборантлар, IT-мутахассис ҳамда бошқа зарур штатларни назарда тутиш.	2022 йил 1 октябрь 2022 йил 1 ноябрь 2022 йил 1 декабрь 2023 йил 1 январь	–	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат мўносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов)

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
2.	Қон ва унинг таркибий қисмлари донори бўлишга тўсқинлик қилувчи кўрсатмалар рўйхатини халқаро тажрибадан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш.	<p>1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 16 декабрдаги “Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 423-сон буйруғига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишчи гурӯҳ тузиш.</p> <p>2. Буйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғини тасдиқлаш ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўtkазиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев)
3.	Донорлардан олинган қонни тайёрлаш, қайта ишлаш ва лаборатория текширувларини амалга оширишда замонавий стандартларни (GMP) жорий этиш.	<p>1. Соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ тузиш.</p> <p>2. Қон тайёрлаш, қайта ишлаш ва лаборатория текширувларини амалга оширишда жаҳон тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини ташкил этиш бўйича замонавий стандартлар лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Замонавий стандартларни белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>5. Замонавий стандартларни қон тайёрлаш, қайта ишлаш ва лаборатория текширувлари жараёнларига жорий этиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2023 йил 1 январь</p> <p>2023 йил 1 март</p> <p>2023 йил 1 май</p>	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев)

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбасы	Масъул ижрочилар
4.	Ўзбекистоннинг безгакдан ҳоли давлат сифатида расман тан олинганлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакдан ҳоли давлат мақомини тасдиқловчи расмий сертификатини олиши муносабати билан қон донорларининг лаборатория текширувларини қайта кўриб чиқиш.	<p>1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйруғи лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гурӯҳ тузиш.</p> <p>2. Ўзбекистоннинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакдан ҳоли давлат мақомини тасдиқловчи расмий сертификатини олганлигини ҳисобга олиб қон билан ишлаш хизмати мутахассисларини жалб этган ҳолда қон донорлари учун ўтказиладиган лаборатория текширувларини қайта кўриб чиқиш ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйруғи лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйруғини тасдиқлаш ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 декабрь</p>	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев)
5.	Қон билан ишлаш хизмати муассасаларида донорлар қонида гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини икки босқичли текширишни (ИФА/ПЗР) йўлга қўйиш.	<p>1. Қон билан ишлаш хизмати муассасаларида донорлар қонида гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини икки босқичли текширишни (ИФА/ПЗР) жорий этиш бўйича ишчи гурӯҳ тузиш.</p> <p>2. Донорлар қонида гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини икки босқичли текшириш (ИФА/ПЗР) стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Донорлар қонида гемотрансмиссив инфекциялар мавжудлигини икки босқичли текшириш (ИФА/ПЗР) стандартларини амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2023 йил 1 ноябрь</p> <p>2024 йил 1 январь</p>	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев)

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбасы	Масъул ижрочилар
<b>II. Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш</b>						
6.	Үрта махсус, профессионал ва олий таълим мұассасалари, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тизимидағи мұассасаларда беғараз донорлик ҳаракатини ташкил қилиш.	<p>1. Үрта махсус, профессионал ва олий таълим мұассасалари, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тизимидағи мұассасаларда беғараз донорлик ҳаракатини ташкил қилиш бүйича масъулларни белгилаш.</p> <p>2. Ўқувчи-талабалар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида қон донорлиги бүйича түшунтириш ишларини амалга ошириш.</p> <p>3. Үрта махсус, профессионал ва олий таълим мұассасалари, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тизимидағи мұассасаларда донорлик акциясини үтказиш санасини белгилаш ва потенциал донорлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>4. Қон донорларини кенг жалб қилиш, уларни маънавий-руҳий ҳамда психологияк қўллаб-қувватлаш бүйича фаол ёшлардан иборат бўлган волонтёрлик гурӯҳларини тузиш.</p> <p>5. Донорлик акцияларини үтказиш ва уларнинг мониторингини юритиш.</p> <p>6. Үрта махсус, профессионал ва олий таълим мұассасалари, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тизимидағи мұассасаларда үтказиладиган донорлик акцияларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.</p>	“Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида		Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Мудофаа вазирлиги (Б.Курбанов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
		7. Қон гурӯҳи камдан-кам учрайдиган донорлар рўйхатини шакллантириш, улар ўртасида қон гурӯҳи аҳамияти ҳақида тушунтиришлар олиб бориш ва қон акцияларига кенг жалб қилиш.				
7.	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жалб қилган ҳолда аҳоли орасида донорлик акцияларини ташкил этиш.	1. Аҳоли орасида донорлик ҳаракатини ташкил қилиш бўйича масъулларни белгилаш. 2. Аҳоли ўртасида қон донорлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш. 3. Жойларда ва ташкилотларда донорлик акциясини ўтказиш санасини белгилаш ва потенциал донорлар рўйхатларини шакллантириш. 4. Донорлик акцияларини ўтказиш ва мониторингини юритиш. 5. Жойларда ва ташкилотларда ўтказиладиган донорлик акцияларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. 6. Қон донорларининг қўйиш учун қон топширадиган куни ҳамда эртаси куни меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар, кечки сменадаги ишлар ва иш вақтидан ташқари ишларда ишлашига тақиқ қўйиш.	“Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида		Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев)

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
8.	Беғараз қон донорлигини мунтазам равишида Интернет жаҳон ахборот тармоғи, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	<p>1. Аҳоли орасида донорлик ҳаракатини тарғиб этувчи видеороликлар яратиш ва бу жараёнга таниқли инсонлар, спорт усталари, санъаткорлар, дин вакиллари, блогерлар ва маҳалла нуронийларини кенг жалб этиш.</p> <p>2. Аҳоли орасида донорлик ҳаракатини тарғиб этувчи видеороликларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.</p> <p>3. Республикада қон донорлигини ривожлантиришга бағишенган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш.</p> <p>4. Интернет жаҳон ахборот тармоғи, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида қон донорлигининг аҳамияти тўғрисида мақолалар чоп этиш. Бунда, қон донорлиги жамиятда инсонпарварлик, ватанпарварлик, сезирлик каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини ёритиб бериш.</p> <p>5. Таълим муассасалари (танаффус пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-кўнгилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал тармоқлари орқали беғараз қон донорлиги ҳақидаги аудио ва видеороликларни тарғиб этиш.</p>	“Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида		Ижрочилар маблағлари хисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), ЎзМТРК (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбай	Масъул ижрочилар
		<p>6. Қон донорлиги ҳолати тұғрисидаги маълумотларни Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириш.</p> <p>7. Беғараз қон донорлигига оид ижтимоий реклама роликларини тайёрлаш ва уларни давлат телеканалларида бепул намойиш этиш.</p>				
9.	<p>Мобил алоқа операторлари орқали ахолини қон топширишга үндайдыган СМС-хабарномалар юбориш.</p> <p>Қон топширган донорларга уларнинг қони мұхтож инсонларга қўйилгани ҳақида мобил алоқа операторлари ва бошқа усувлар орқали хабар бериш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Мобил алоқа операторлари билан келишувлар имзолаш.</p> <p>2. Мобил алоқа операторлари орқали ахолини қон топширишга үндайдыган СМС-хабарномалар юбориш.</p> <p>3. Мобил алоқа операторларига қон топширган донорлар ва уларнинг қони компонентлари ишлатилиши тұғрисида маълумотлар тақдим этиш.</p> <p>4. Қон топширган донорларга уларнинг қони мұхтож инсонларга қўйилганлиги ҳақида мобил алоқа операторлари ва бошқа усувлар орқали хабар бериш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил 1 ноябрь “Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида</p> <p>Доимий</p> <p>Маълумот тақдим этилгандан бошлаб 5 кун ичida</p>		<p>Ижрочилар маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов)</p>
10.	<p>Қон билан ишлаш хизмати муассасаларида ҳар бир гурӯхга мансуб қон ва үнинг таркибий қисмлари захиралари тұғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш.</p>	<p>1. Республика қон қўйиш маркази расмий веб-сайтини қайта ишлаб чиқиш, ахолига қон донорлиги ҳақидаги маълумотларни оддий ва тушунарли шаклда, шу жумладан инфографика ва расмлар кўринишида тақдим этиш.</p>	<p>2023 йил 1 январь</p>	<p>Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида</p>	<p>Ижрочилар маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		<p>2. Қон билан ишлаш хизмати муассасаларида ҳар бир гурұхға мансуб қон ва унинг таркибий қисмлари захираси тұғрисидаги маълумотларни Республика қон қўйиш маркази расмий веб-сайтига жойлаштириш ва уларни доимий янгилаб бориш.</p> <p>3. Қон билан ишлаш хизмати муассасаларига донорларнинг ташкиллаштирилган ҳолда келишини таъминлаш мақсадида уларнинг онлайн навбатларини шакллантириш тизимини яратиш.</p> <p>4. Қон олиш жойларида донорлар учун құлай мұхит ва дўстона мұносабатни шакллантириш.</p>				(Ш.Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилойтлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Доимий донорларни рағбатлантириш.	<p>1. Доимий донорларни тақдирлаш учун махсус белгилар туширилган футболкалар, кружкалар, бош кийимлар, канцелярия буюмлари ва бошқа совринлар тайёрлаш.</p> <p>2. Доимий донорларни махсус белгилар туширилган футболкалар, кружкалар, бош кийимлар, канцелярия буюмлари ва бошқа совринлар билан тақдирлаш.</p> <p>3. 10, 20 ва 30 марта қон топширган донорларни I, II ва III даражали сертификатлар билан тақдирлаш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Доимий донорларни театрлар, концерт-томушалар ва кинотеатрларга бепул чипталар, кафе ва ресторандарга</p>	“Қон донорлиги ҳафталиги” доирада		Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилойтлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбасы	Масъул ижрочилар
		совға карталар, спорт муассасаларига бепул абонементлар билан тақдирлаш.				
12.	<p>Қон ва үнинг таркибий қисмлари донорлиги билан боғлиқ масалаларни умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш.</p> <p>Мактаб ўқувчиларининг қон марказларига ташрифларини ташкил этиш, улар билан маърифий сұхбатлар ўтказиш, уларга кўргазмали материаллар тақдим этиш.</p>	<p>1. Қон гурӯҳлари, қон донорлиги ва үнинг тарихи, қон донорлигининг аҳамияти тўғрисида оммабоп материаллар тайёрлаш.</p> <p>2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурларига қон гурӯҳлари, қон донорлиги ва үнинг тарихи, қон донорлигининг аҳамияти тўғрисида дарс соатларини киритиш.</p> <p>3. Мактаб ўқувчиларининг қон билан ишлаш хизмати муассасаларига ташрифини ташкил этиш, улар билан маърифий сұхбатлар ўтказиш, қон донорлигининг аҳамияти, қон топширишнинг инсон организмига ижобий таъсирини, қон ва үнинг таркибий қисмларини топшириш тартиб ва қоидаларини ёритиб бериш.</p>	<p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2023 йил 1 январь</p> <p>Доимий</p>		Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Б. Сайдов)</p>
13.	Сайёр донорлик сессиялар кўламини кенгайтириш.	<p>1. Ташкил этиладиган сайёр донорлик сессиялари режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва Республика қон қўйиш марказининг расмий веб-сайтида жойлаштириш.</p> <p>2. Сайёр донорлик сессияларини аҳоли учун қуладай жойларда ва вақтларда, шу жумладан дам олиш ва байрам кунлари, йирик савдо комплекслари, бозорлар, метро станциялари, саёҳат боғлари ва аҳоли гавжум бўлган бошқа жойларда ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>Доимий</p>	–	–	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
14.	Донорлар учун маҳсус мобил илова ва Республика қон қўйиш марказининг расмий веб-сайтида алоҳида саҳифа яратиш.	<p>Донорлар учун қўйидагиларни онлайн шаклда амалга ошириш имконини берувчи мобил илова ва Республика қон қўйиш марказининг расмий веб-сайтида алоҳида саҳифа яратиш:</p> <p>қон қўйиш марказлари ва кўчма қон қўйиш станциялари жойлашуви (харитада кўрсатган ҳолда), уларнинг ишлаш режими, қон маҳсулотлари захираси (қон қўйиш марказлари кесимида) ва улар қайси мақсадларга ишлатилиши ҳақидаги маълумотларни олиш;</p> <p>қон билан ишлаш хизматларида кўрсатиладиган қўшимча пуллик хизматлар ва уларнинг нархлари ҳақидаги маълумотларни олиш;</p> <p>қон донорлиги, қон топшириш ўсуллари, уларга сарфланадиган вақт, қон топшириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва буни амалга ошириш учун қарши кўрсатмалар, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни олиш;</p> <p>қон топшириш учун олдиндан онлайн рўйхатдан ўтиш ва ўзига хос навбат рақамини олиш;</p> <p>қон топшириш марказига ташриф буюриш санаси ва вақти ҳақида олдиндан маълумот олиш;</p> <p>амалга оширилган қон топширишлар ва уларнинг лаборатория таҳлиллар натижалари, донорнинг қон гурӯҳи ва резус мансублиги тўғрисидаги маълумотларни олиш.</p>	2023 йил 1 январь		Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), "IT-med" МЧЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
15.	Бирламчи донорлар билан кўп йиллар беғараз қон топшириб келаётган донорларнинг учрашувларини ташкил этиш ва мотивацион мұхит яратиш.	<p>1. “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонига сазовор бўлган шахслар ва кўп йиллар беғараз қон топшириб келаётган донорлар билан ёшлар ва талабалар учрашувларини ташкил этиш.</p> <p>2. Кўп йиллар беғараз қон топшириб келаётган донорлар орасида қон хизмати фаолияти бўйича сўровномалар ташкил этиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.</p>	<p>“Қон донорлиги ҳафталиги” доирасида</p> <p>Йилига камида 3 марта</p>		Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)

**III. Қон билан ишлаш хизмати мұассасалари ходимларини трансфузиология соҳаси бўйича  
касбий тайёргарлигини ташкил этиш**

16.	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда Республика қон қўйиш марказида “Ишлаб чиқариш трансфузиологияси” мутахассислиги бўйича ўқув курсларини ташкил этиш учун малакали, шу жумладан хорижий илмий ходим ва мутахассисларни жалб қилиш. 3. Ўқув хоналарини зарур адабиётлар, лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш. 4. Ўқув курслари доирасида тингловчиларнинг: қон тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва лаборатор текширувларни ўтказиш, жиҳозлардан тўғри фойдаланиш бўйича малакасини ошириш; донорлар билан ишлаш маданияти кўнинмаларини шакллантириш ва ривожлантириш.	<p>1. “Ишлаб чиқариш трансфузиологияси” мутахассислиги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўқув курсларини ташкил этиш учун малакали, шу жумладан хорижий илмий ходим ва мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>3. Ўқув хоналарини зарур адабиётлар, лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш.</p> <p>4. Ўқув курслари доирасида тингловчиларнинг:</p> <p>қон тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва лаборатор текширувларни ўтказиш, жиҳозлардан тўғри фойдаланиш бўйича малакасини ошириш;</p> <p>донорлар билан ишлаш маданияти кўнинмаларини шакллантириш ва ривожлантириш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2023 йил 1 январь</p>		Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев)
-----	--	--	--	--	--	---

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
17.	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда Республика қон қўйиш марказида “Клиник трансфузиология ва изосерология асослари” мутахассислиги бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.	<p>1. “Клиник трансфузиология ва изосерология асослари” мутахассислиги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўқув курсларини ташкил этиш учун малакали, шу жумладан хорижий илмий ходим ва мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>3. Ўқув хоналарини зарур адабиётлар, лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш.</p> <p>4. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлигини таъминлаш, даволаш муассасаларининг гемотрансфузия амалиёти билан шуғулланувчи шифокорларининг клиник трансфузиология бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бориш.</p> <p>5. Даволаш муассасаларининг гемотрансфузия амалиёти билан шуғулланувчи шифокорларининг иш фаолиятини мунтазам равишда баҳолаб бориш ва уларнинг касбий кўникмаларини ошириш учун зарур бўлган қўшимча, изосерология асослари бўйича, тренинглар ўтказилишини таъминлаш.</p> <p>6. Даволаш муассасалари гемотрансфузия амалиёти билан шуғулланувчи шифокорларига малака тоифаларини беришда, уларнинг клиник трансфузиология ва изосерология асослари бўйича малака ошириш курсларини ўтганлигини ҳисобга олиш.</p>	<p>2022 йил 1 октябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2023 йил 1 январь</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p>		Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
18.	Қон билан ишлаш хизмати ходимларини хорижий давлатларнинг етакчи марказларига оширишга юбориш.	<p>1. Хорижий давлатларнинг етакчи марказлари билан республика қон билан ишлаш хизмати ходимларини касбий малакасини ошириш бўйича келишув имзолаш.</p> <p>2. Қон билан ишлаш хизмати ходимларининг қон тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва лаборатория текшириш жараёнлари самарадорлигини ошириш учун зарур бўладиган касбий билим, кўникум ва малакаларини халқаро тажрибалар асосида ошириш.</p>	2022–2024 йиллар давомида		Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев)
19.	Осиё трансфузион тиббиёт ўюшмаси (Asian Associations of Transfusion Medicine – AATM) билан қон донорлиги соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.	<p>1. Қон билан ишлаш хизмати муассасалари ходимлари ўртасида Осиё трансфузион тиббиёт ўюшмасига аъзо бўлиш бўйича тарғибот ишларини ташкил қилиш.</p> <p>2. Қон билан ишлаш хизмати муассасалари ходимларини Осиё трансфузион тиббиёт ўюшмасининг трансфузиология бўйича ўтказиладиган вебинарларида иштирок этишга таклиф қилиш.</p>	2022 йил 1 ноябрь  2024 йил 1 январь	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Республика қон билан ишлаш хизмати муассасалари раҳбарлари
20.	Трансфузиология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш.	<p>1. Трансфузиология соҳасида грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳаларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш.</p>	2023 йил 1 январь  2023 йил 1 июнь		Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов),

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
						Республика қон билан ишлаш хизмати мұассасалари раҳбарлари
<b>IV. Қон билан ишлаш хизмати мұассасалари биноларини босқичма-босқич қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш</b>						
21.	Худудий қон қўйиш станциялари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш.	1. Худудий қон қўйиш станциялари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.  2. Худудий қон қўйиш станциялари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича тендер савдоларини ўтказиш.  3. Худудий қон қўйиш станциялари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш.	2022 йил 1 декабрь  2023 йил 1 июнь  2023 йил 1 сентябрь	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров)
22.	Тошкент ва Сирдарё вилоятлари қон қўйиш станциялари учун янги бино қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.	1. Қон қўйиш станциялари учун янги бино қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.  2. Қон қўйиш станциялари учун янги бино қуриш бўйича бўйича тендер савдоларини ўтказиш.  3. Қон қўйиш станцияларини қуриб битказиш ва жиҳозларни эски бинодан кўчириш.	2022 йил 1 декабрь  2023 йил 1 июнь  2023 йил якунига қадар	20 млрд сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев), Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Ғ.Мирзаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбасы	Масъул ижрочилар
23.	Нұкис шаҳар қон қүйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлимлари учун қўшимча бино қуриш.	1. Қон қўйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлими учун қўшимча бино қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.  2. Қон қўйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлими биносини қуриш бўйича тендер савдоларини ўтказиш.  3. Қон қўйиш станцияси ҳудудида лаборатория бўлими биносини қуриб битказиш ва ишга тушириш.	2022 йил 1 декабрь  2023 йил 1 июнь  2023 йил якунига қадар	15 млрд сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
24.	Аҳолини қон препаратлари билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш мақсадида Республика қон қўйиш марказида халқаро GMP амалиёти талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича тажрибани ўрганиш.	1. Қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.  2. Қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш ва уни халқаро GMP амалиёти талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2022 йил 1 ноябрь  2023 йил 1 январь	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариеев)
25.	Республика қон қўйиш марказининг Қон препаратларини ишлаб чиқариш бўлимининг мавжуд биносини реконструкция қилиш ва таъмирлаш.	1. Республика қон қўйиш марказининг Қон препаратларини ишлаб чиқариш бўлими биносини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш.	2023 йил 1 сентябрь	10 млрд сўм	Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида	Соғлиқни сақлаш (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбасы	Масъул ижрочилар
		<p>2. Республика қон қўйиш марказининг Қон препаратларини ишлаб чиқариш бўлими биносини реконструкция қилиш ва таъмиrlаш бўйича тендер савдоларини ўтказиш.</p> <p>3. Республика қон қўйиш марказининг Қон препаратларини ишлаб чиқариш бўлимида қон (автоэрмасса, кам учрайдиган қон гурӯҳли эрмасса ва киндик қони ўзак ҳужайралари) банкини яратиш ва жиҳозлаш.</p>	<p>2024 йил 1 январь</p> <p>2024 йил 31 декабрь</p>		тақиқланмаган бошқа манбалар	
26.	“Қон хизмати” ахборот тизимини такомиллаштириш.	<p>1. “Қон хизмати” ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Қон хизмати” ахборот тизимида қўйидагиларни онлайн режимда амалга ошириш имконини яратиш:</p> <p>донорларни рўйхатга қўйиш, улар, шу жумладан кам учрайдиган қон гурӯҳи бўлган донорлар ҳақида маълумотларни ахборот тизимига киритиш ва олиш;</p> <p>донорнинг ҳар бир донацияси ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиш ва олиш, шу жумладан донорлик ихтиёрий ёки пуллик амалга оширилганлигини белгилаш;</p> <p>донорда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигига қаршилик қилувчи кўрсатмалар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиш ва олиш;</p>	<p>2023 йил 1 январь</p> <p>2023 йил 1 сентябрь</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Ушбу мақсадлар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), “IT-med” МЧЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов)

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
		<p>донорларни тиббий кўриқдан ва лаборатория текширувидан (скринингдан) ўтказиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритиш ва олиш;</p> <p>донорда донорликнинг бутунлай рад этилишига олиб келувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритиш ва олиш;</p> <p>донор учун кейинги донацияни амалга оширишнинг афзал вақтини белгилаш;</p> <p>донорда донорликдан вақтинча четлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар мавжудлиги ва четлаштириш муддати вақти ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритиш ва олиш.</p> <p>3. “Қон хизмати” ахборот тизимини “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали бошқа тиббиёт муассасаларининг ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.</p> <p>4. Барча қон билан ишлаш хизматларини “Қон хизмати” ахборот тизимиға улаш.</p> <p>5. Қон билан ишлаш хизмати ходимларини “Қон хизмати” ахборот тизимида ишлаш бўйича малакасини ошириш.</p>	2023 йил 1 ноябрь			

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүддати	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
27.	Қон билан ишлаш хизматларида локал компьютер тармоғини яратиш ва ўзаро боғлаш орқали “Қон хизмати” ахборот тизимини амалиётга жорий этиш.	1. Қон қўйиш станцияларида локал компьютер тармоғини яратиш.  2. Қон қўйиш станцияларини зарур компьютер техникаси, узлуксиз қувват манбаи (UPS), штрих код ўқувчи сканерлар, штрих код, этикетка чоп этувчи принтерлар билан таъминлаш.	2023 йил 1 январь	352,8 млн сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

**2022–2025 йилларда қон билан ишлаш хизмати мұассасаларини жиҳозлаш  
ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Тиббий үскүналар (автотранспорт воситалари) номи	Сони	Нархи, млн сўм	Жами суммаси, млн сўм*	2022 йил		2023 йил		2024 йил		2025 йил	
					Сони	Суммаси, млн сўм	Сони	Суммаси, млн сўм	Сони	Суммаси, млн сўм	Сони	Суммаси, млн сўм
<b>I. Донор қонини йиғиши, қайта ишлаш, лаборатор текшириш ва сақлаш учун зарур жиҳозлар</b>												
1.	Донорлар креслоси	45	26	1 170	45	1 170						
2.	Автоматик қон йиғиши учун миксерли тарози	45	15	675	45	675						
3.	Қон йиғиши учун миксерли тарози ва бошқа аксессуарлар учун стенд	45	1	45	45	45						
4.	Плазмаферез аппарати	15	110	1 650			15	1 650				
5.	Цитаферез аппарати	15	1 376	20 640					8	11 008	7	9 632
6.	Қонни қайта ишлаш учун рефрижераторли центрифуга	15	345	5 175			15	5 175				
7.	Плазма экстрактор	30	10	300	30	300						
8.	Найчаларни стационар кавшарлагич	15	25	375	15	375						
9.	Найчаларни портатив кавшарлагич	30	21	630	30	630						
10.	Тезкор, контактли музлаткич	7	1 051	7 357			7	7 357				
11.	Үта паст ҳароратли қон банки музлаткичи (-40°C гача)	15	173	2 595						15	2 595	
12.	Үта паст ҳароратли қон банки музлаткичи (-86°C гача)	15	206	3 090						15	3 090	
13.	Қон банки совуткичи	15	74	1 110						15	1 110	
14.	Тромбоцитлар миксерли инкубатори	15	75	1 125						15	1 125	
15.	Совуткич сумка (термоконтейнер)	30	2	60						30	60	
16.	Гематологик анализатор	15	55	825					15	825		
17.	Иммунологик анализатори	8	850	6 800					8	6 800		
18.	Гемоглобинометр	30	18	540						30	540	
19.	Биохимик анализатор	15	55	825					15	825		
20.	Тўлиқ автомат иммунофермент (ИФА/ИХЛА) анализатори	15	525	7 875					7	3 675	8	4 200
21.	ПЗР анализатор тўплами	14	500	7 000			12	6 000	2	1 000		
<b>Жами:</b>		<b>449</b>		<b>69 862</b>	<b>210</b>	<b>3 195</b>	<b>49</b>	<b>20 182</b>	<b>55</b>	<b>24 133</b>	<b>135</b>	<b>22 352</b>
<b>II. Автотранспорт воситалари</b>												
22.	Кўчма донорлик мажмұалари (махсус автобуслар) **	13		13								
	<b>Ҳаммаси:</b>	<b>462</b>		<b>69 862</b>	<b>223</b>	<b>3 195</b>	<b>49</b>	<b>20 182</b>	<b>55</b>	<b>24 133</b>	<b>135</b>	<b>22 352</b>

\*) 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, 2023-2025 йилларда давлат бюджети параметрларида кўзда тутилади.

\*\*) 2022 йилда қон билан ишлаш хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 13 та кўчма донорлик мажмұалари (махсус автобус) билан таъминланади ва ушбу автобуслар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан жиҳозланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 9 августдаги ПҚ-348-сон қарорига  
З-илова

**Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг  
мақсадли кўрсаткичлари**

T/p	Мақсадли кўрсаткичлар	2023 йил	2024 йил	2025 йил
<b>I. Донациялар сонини ошириш</b>				
1.	Донорлар сони	220 000	250 000	300 000
2.	Донациялар, қон (плазма, тромбоцитлар) топширишлар сони	245 000	290 000	350 000
3.	Ҳар минг аҳолига донациялар кўрсаткичи	7	8	10
4.	Қон тайёрлашда мобил (сайёр) гурӯҳлар улуши, фоизда	35	40	50
<b>II. Қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш</b>				
5.	Донор қони, литр	120 000	135 000	150 000
6.	Эритроцитлар массаси, литр	55 000	65 000	75 000
7.	Плазма, литр	50 000	55 000	60 000
8.	Тромбоцитлар, литр	1 300	1 400	1 500
<b>III. Қон препаратларини тайёрлаш</b>				
9.	Альбумин, литр	700	850	1 000
10.	Иммуноглобулинлар, доза	1 500	1 750	2 000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 9 августдаги ПҚ-348-сон қарорига  
4-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарори билан тасдиқланган Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Қон билан ишлаш хизмати қўйидагиларни ўз ичига олади:

Республика қон қўйиш маркази;

Тошкент шаҳридаги “Қон препаратлари” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг қон қўйиш станциялари;

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги қон қўйиш станцияси;

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг қон қўйиш станцияси;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг донор қонини тайёрлаш билан шуғулланувчи қон қўйиш бўлимлари;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг донор қонини тайёрлаш билан шуғулланувчи қон қўйиш бўлимлари;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларининг қон қўйиш станциялари ва бўлимлари”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 июлдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” (“Почетный донор Республики Узбекистан”) кўкрак нишони тўғрисидаги низомнинг 3<sup>1</sup>-бандида:

а) биринчи хатбошидаги “беш баравари” сўзлари “ўн беш баравари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қўйидаги мазмундаги иккинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” (“Почетный донор Республики Узбекистан”) кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

улар учун қўлай бўлган вақтда йиллик асосий меҳнат таътилига чиқиш;

шахар жамоат транспортининг барча турларидан (йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш;

давлат санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз олиш”.

